

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЖАББАРОВИЧ

**Генетик, иммунобиокимёвий ва морфологик тадқиқотлар асосида
розацеани даволаш усулини ишлаб чиқиш**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундаржаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of the doctor of science (DSc)

Якубов Абдулазиз Абдужаббарович

Генетик, иммунобиокимёвий ва морфологик тадқиқотлар асосида розацеани даволаш усулини ишлаб чиқиш.....3

Якубов Абдулазиз Абдужаббарович

Разработка метода лечения розацеа на основе генетических, иммунобиохимических и морфологических исследований.....27

Yakubov Abdulaziz Abdujabbarovich

Development of a method for treating rosacea based on genetic, immunobiochemical and morphological studies.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/28.02.2023.Tib.158.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ЯКУБОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЖАББАРОВИЧ

**Генетик, иммунобиокимёвий ва морфологик тадқиқотлар асосида
розацеани даволаш усулини ишлаб чиқиш**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2. DSc/Tib 562 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.dermatology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаш-тирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Улугбек Юсупханович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пакирдинов Адхам Бегишевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Азизов Баходир Садикович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мухамедов Рустам Султанович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.04/28.02.2023.Tib.158.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3 уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06; e-mail: niidiv@mail.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 3 уй. Тел./факс: (+998) 78-147-02-06.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунлари тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Б. Рахматов
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Н.Б. Ходжаева
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлари доктори

А.Ш. Иноятов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раис ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда дерматокосметологик муаммолар орасида розацеа энг кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади ва сўнгги йилларда бу касаллик билан оғриганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра «...розацеа барча дерматозларнинг 5-10% ини ташкил этади ва тери касалликлари орасида еттинчи ўринни эгаллайди»¹. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра «...розацеа барча этник гуруҳ вакиллари орасида учрайди, энг юқори кўрсаткич оч тери рангига эга инсонларда кузатилади, ўртача 30–50 ёшдаги шахслар ва асосан аёлларда кўпроқ қайд этилади. 50% гача беморларда оилавий розацеа ва 5% ҳолатда кўзнинг зарарланиши – офтальморозацеа учрайди»². Популяцияда учраш частотаси юқорилиги, касалланиш даражасининг, айниқса, меҳнатга лаёқатли шахслар орасида ўсиши, тез-тез қайталаниши, этиопатогенетик механизмлари ўрганилмаганлиги, даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаганлиги розацеа муаммосини ўрганишнинг долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида розацеа касаллигининг этиопатогенезини аниқлаш, эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактикасини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада розацеа ривожланишида муҳим ҳисобланган хавф омилларини ўрганиш; касалликка дахлдор генетик маркерларни аниқлаш; генотипик вариантларнинг турли популяцияларда касаллик шаклланиши ва клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш; даволаш усуллари ишлаб чиқиш; молекуляр-генетик тадқиқотлар ва биокимёвий текширувларга асосланган ҳолда даволаш тадбирларини белгилаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикаси борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни тақдим этиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли тери касаликлари тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш усуллари такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини камайитириш муҳим аҳамият касб этади.

¹United Nations, 2017. www.who.int/maternal

²Rainer B.M., Fischer A.H., Luz Felipe da Silva D., Kang S., Chien A.L. Rosacea is associated with chronic systemic diseases in a skin severity-dependent manner: results of a case-control study. *J Am Acad Dermatol.*, 2015. 73:604-8.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 май 2021 йилдаги 5124 -сон ПҚ «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори

Мазкур диссертация тадқиқотни ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатларни изчил давом эттири ва тиббиёт ходиларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» ги , ПФ–6221-сон 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарақиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60- сон фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ – 5199 – сон қарори ҳамда Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 31 июлдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 563-сон қарорида берилган вазифаларни ва маълум даражада ушбу фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда бугунги кунда розацеа ривожланиши, диагностикаси ва этиопатогенезини ўрганишга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд бўлиб, олинган илмий маълумотлар баъзан қарама-қарши бўлади. Глутатион-S-трансфераза (GST) ферментлари тизимини ўрганиш клиник тиббиёт учун катта қизиқиш уйғатмоқда, чунки уларнинг фаоллиги бир қатор касалликларнинг ривожланиши, кечиши ва прогнози билан чамбарчас боғлиқ. GST эндоген антиоксидант сифатида фақат хужайра цитоплазмасида синтез қилинади ва организмни оксидловчи стрессга қарши ҳимоя қилишда муҳим функцияларни бажаради, кислороднинг фаол шакллари хосил бўлиши ва тўпланишига тўсқинлик қилади ва организмнинг детоксификациясида муҳим рол ўйнайди. GST гени GSTM1 ва GSTT1 полиморфизмларини ўрганишга бағишланган бир қанча ишлари мавжуд. Масалан, Yazıcı A.C., Tamer ҳаммуалифлар GST - GSTM1 ва ёки GSTT1 нол генотиплар орасида розацеа касаллигида боғлиқликни аниқлаган. Бошқа муаллифлар розацеа билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан GSTM1, GSTP1 ва GSTT1 сезиларли даражада ошганлигини аниқладилар (мос равишда $p=0,001$, $p=0,002$, $p<0,001$). Розацеа гуруҳида GSTT1 экспрессияси GSTP1 ва GSTA1 (мос равишда $p=0,01$, $p<0,001$ (Takci Z, Bilgili S.G. et 2020). Ушбу тадқиқотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, розацеада GST нинг фаоллашуви, нейтрофиллардан эркин радикаллари хосил бўлиши ёки ультрабинафша нурларига нисбатан тасирчанлик натижасида GSTT1, GSTP1 ва GSTM1 экспрессиясининг сезиларли даражада ошиши кузатилади. МДХ мамлакатларида GSTT1 ва GSTM1 генетик полиморфизмлари, розацеада нейтрофилларнинг ҳолати, касалликнинг клиник кечиши ва унинг оғирлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилмаган.

МДХ мамлакатларида сўнгги йилларда розацеа билан оғриган беморларда IL-17 нинг қон зардобидидаги таркиби ва унинг генетик полиморфизминини

ўрганишга бағишланган ишлар кам, чунки бу интерлейкин нисбатан янги цитокин ҳисобланади (Газданов Р.М. 2019). Шунингдек, розацеа билан оғриган беморларнинг қон зардобиди яллиғланишга қарши цитокинлар (интерлейкин - 8, 17A ва 18) миқдорининг сезиларли даражада ошиши, ҳамда IL-4, IL-10 миқдорининг пасайиши касалликнинг клиник туралари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган (Потекаев Н.Н. 2000, Денисенко О. И., Сторожук М.В. 2019).

Ўзбекистонда сўнги йилларда розацеанинг ривожланиш механизмида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар (TNF- α , ИЛ-1 β , ИЛ-4, ИЛ-6, ИЛ-8, ИЛ-10, ИЛ-18 ва бошқалар), ўсиш омилларининг (VGEF, FGF) роли бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, натижалар ноаниқ ва қарама-қарши характерга эга (Арифов С.С., 2019, Мавлянова Ш.З., 2022, Гулямова Г.Ш., 2007). Розацеанинг клиник кечиши кўплаб омилларга боғлиқ, масалан, иқлим-географик, юқумли (бактериал, замбуруғли), хусусан Demodex folliculorum, ҳамроҳ касалликлар (Helicobacter pylori) ва бошқалар. Бабажанов О.А ва ҳаммуаллифлар ўз ишларида розацеа билан оғриган беморларнинг 60-80% ида ушбу канани, яни Demodex folliculorum ни аниқлаганлар. Касаллик босқичлари бўйича ўрганилганда, ушбу кана эритематоз-телеангиэктотик босқичда - 15,84%, папуло-пустулёз босқичда - 35,6%, пустулёз-тугунли босқичда - 18,8% ҳолатда аниқланган, бу бошқа ўзбек олимларининг тадқиқотлари билан тасдиқланган. Илк бор ўзбек олимлари томонидан TNF- α гени rs 1800629 функционал нохуш генотиби розацеанинг ривожланиш хавфини 3 баробарга ошириши ва эритематоз-телеангиэктотик босқичи шаклланиши хавфи эса 4,5 баробардан кўпроқга ошиши аниқланган (Бабаджанов О.А. 2019).

Ҳозирги вақтда розацеа патогенезида цитокинлар, антиоксидант ва антимиқроб тизими дерматознинг клиник босқичлари ҳамда унинг давомийлиги билан ўзаро боғлиқлиги ўрганилмаган. Молекуляр-генетик (GSTM1, GSTT1, GSTP1, MDR ва IL-17) механизмларни ўрганиш, шунингдек, уларнинг биокимёвий кўрсаткичлар (кателицидин LL-3) розацеа билан оғриган беморларда унинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш розацеа патогенезининг баъзи ноаниқ механизмларини очиб бериш, касалликнинг оғир шакллари ташхислаш ва олдини олишнинг янги усулларини такомиллаштириш, узоқ муддатли ремиссияга эришиш ва янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади организмнинг генетик ва клиник-биокимёвий, микробиологик ва морфологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда розацеанинг ривожланиши ва клиник кечишини прогнозлаш ва патогенетик даволаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

розацеа ривожланишида ва унинг турли клиник шакллариининг ўзига хос хусусиятларида иштирок этувчи омилларни ўрганиш

қон зардобидаги глутатион-S-трансферазалар миқдорини аниқлаш ва розацеа билан оғриган беморларда унинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда GSTM1, GSTT1, GSTP1, MDR ва IL-17 генлари полиморфизмининг учраш частотасини таҳлил қилиш, шунингдек, юқорида кўрсатилган параметрларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш;

розацеа билан оғриган беморларда унинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда антимиқроб пептиди LL-37 миқдорини ўрганиш;

розацеали беморларда терининг морфологик ва микробиологик кўринишини унинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш;

розацеанинг ривожланишида генетик маркерларнинг микробиологик, морфологик тадқиқотлар ва цитокин ҳолати билан боғлиқлигини аниқлаш;

розацеани даволашнинг патогенетик усулини ишлаб чиқиш, шунингдек биокимёвий, морфологик, микробиологик кўрсаткичлар ва генлар полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази назоратида бўлган 210 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида иммунологик, биокимёвий ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинган материаллар: веноз қон ва қон зардобы, морфологик ва морфометрик тадқиқотлар учун тери биоптатлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. диссертация ишида умумклиник, молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунологик, микробиологик ва морфологик ҳамда статистик тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

GSTM1 ва GSTT1 генларининг аллел ва генотипик вариантлари частотасининг полиморфизми оксидловчи стресс, организмнинг детоксикацион функциясининг ошиши ва розацеа шаклланишининг патогенетик механизмларига таъсир қилиши исботланган;

Demodex folliculorum каналари аниқланган гуруҳда Demodex folliculorum аниқланмаган беморларга нисбатан IL-17A генининг салбий A/A генотипининг кўпайиш даражаси сезиларли ва статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги ($\chi^2=6.0$; $p=0.03$) ва ушбу генотипида розацеанинг оғирроқ кечиш исботланган;

MDR1 гени бир нуклеотидли C3435T полиморфизми мустақил равишда Demodex folliculorum канасига мойилликнинг шаклланишида муҳим роль ўйнамаслиги ва ушбу кана билан розацеа ассоциациясининг генетик хавф омили ҳисобланмаслиги исботланган;

розацеа билан оғриган беморларнинг қон зардобида кателицидин LL-37 нинг миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада ошиши ($p<0,001$) ва олинган маълумотлар касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлганлиги исботланган;

ўрганилаётган генларнинг полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди, бу анъанавий даволашга қараганда 1,8 баравар кўпроқ клиник соғайиш, клиник ремиссия давомийлигини ошириш ва

биокимёвий, морфологик кўрсаткичларни камайтириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрганилган генлар полиморфизмининг молекуляр генетик натижалари касалликнинг клиник кечишини башорат қилиш ва ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳни аниқлаш учун хизмат қилиши асосланган;

Тадқиқотнинг морфометрик ва биокимёвий натижалари асосида ўрганилган генлар полиморфизмининг генотипларини ҳисобга олган ҳолда розацеа билан оғриган беморларни даволаш ва касаллик кечишини башорат қилишнинг самарали усули ишлаб чиқилганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунологик, микробиологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларни қўллаш олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти розацеани аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш асосида Республикамизда келгусида чуқур тадқиқотлар олиб боришга замин яратганлиги билан изоҳланади. Ушбу тадқиқот натижалари пушти ҳуснбузарнинг патогенези ҳақидаги тасаввурларни кенгайтиради. Тадқиқот давомида олинган маълумотлар розацеанинг турли босқичлари бўлган беморларда ишлаб чиқилган давонинг патогенетик асосланганлигини тасдиқлайди. GSTM1 ва GSTT1 генлари полиморфизмининг оксидловчи стресснинг ошиши ва организм детоксикатсиясининг бузилишида иштироки тўғрисида янги маълумотлар аниқланди. IL-17A генининг A/A генотиби розацеанинг ривожланиши ва кечиши билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди ва Demodex folliculorum мавжуд розацеанинг шаклланишида ушбу генотипнинг муҳим аҳамияти аниқланди. Олинган маълумотлар кўплаб дерматологик касалликларнинг, хусусан розацеанинг ривожланиши ва унга мойилликнинг молекуляр-генетик механизмларини тушунишга сезиларли ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти касалликнинг асосий патогенетик бўғинларига таъсир кўрсатишга асосланган ва розацеани даволашнинг юқори самарали комплекс усулини ишлаб чиқишдан иборат. Даволаш усулида қўлланилган глутаредокс дори воситаси, шунингдек PDL лазери аниқланган бузилишларни нормаллаштиришга, тошма элементларининг эрта регрессиясига, шунингдек, қайталанишнинг олдини олишга имкон беради. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республиканинг турли минтақаларида назарий ва амалий маърузалар ўтказиш орқали ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва дерматологларни розацеани диагностик

баҳолаш усулларига ўргатишдан иборат. Ушбу диагностик мезонлардан тўғри фойдаланиш розацеа ташхисини тўғри қўйиш ва кечишининг оғирлигини баҳолаш, шунингдек, ушбу дерматозни даволашнинг патогенетик усулини тўғри танлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Организмнинг клиник-биокимёвий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда розацеа касаллигини янги даволаш усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган. «Значение глутатионтрансферазы в формировании розацеа и ее коррекция» ва «Эффективность лазеротерапии розацеа с учетом антимикробного пептида кателицидин LL-37» методик қўлланмалар Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 26-декабрдаги 11-сонли баённомаси асосида тасдиқланган. Мазкур услубий тавсиянома розацеа касаллигининг қайталаниш сонини камайтириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва беморларнинг даволаниш муддатини қисқартириш имконини берган;

биринчи илмий янгилик: GSTM1 и GSTT1 генларининг аллел ва генотипик вариантлари частотасининг полиморфизми оксидловчи стресс, организмнинг детоксикация функциясининг ошиши ва розацеа шаклланишининг патогенетик механизмларига таъсир қилиши исботланганлиги 2024 йил декабр ойдан 2025 йил май ойигача Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали (26.12.2024 52-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали (27.12.2024 36-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали (27.12.2024 100 сонли буйруқ), ҳамда “Natural hair clinic” хусусий клиникасида (28.12.2024 8 сонли буйруқ) амалиётга жорий этиш асос бўлди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида GSTM1 и GSTT1 ген полиморфизмлари гаплотиплари ва розацеа ривожланиши хавфи ўртасида сезиларли синергизм мавжудлигини аниқлаш имконини беради, бу эса касалликнинг дастлабки босқичларида касалликнинг оғир даражалари ривожланишини эрта прогнозлаш ва даво усуларини такомиллаштириш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида касалланишни камайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш учун илмий асос яратилган бўлиб, розацеани даволашнинг комплекс усуллари ҳисобига қайталаниш даражаси ҳамда даволаш сарф-харажатларини камайтиришга эришилди ва ҳар бир бемор учун 426 520 сўмни ташкил этди.

иккинчи илмий янгилик: демодекс фолликулорум аниқланган гуруҳда демодекс фолликулорум аниқланмаган беморларга нисбатан IL-17 генининг салбий А/А генотипининг кўпайиш даражаси сезиларли ва статистик жихатдан аҳамиятли эканлиги ($\chi^2=6.0$; $p=0.03$) ва ушбу генотипида розацеанинг оғирроқ кечиши исботланганлиги 2024 йил декабр ойдан 2025 йил май ойигача Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-

амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали (26.12.2024 52-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали (27.12.2024 36-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали (27.12.2024 100 сонли буйруқ), ҳамда “Natural hair clinic” хусусий клиникасида (28.12.2024 8 сонли буйруқ) амалиётга жорий этиш асос бўлди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида розацеанинг оғир даражалари ривожланишини хавфини эрта аниқлаш, касалликнинг қайталанишини олдини олиш ва даволаш чора тадбирларига шахсий ёндошувни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: касалликнинг оғир даражаларида даволаниш қиймати 8 000 000 сўмни ташкил этади, касалликнинг енгил даражасида ушбу сарф харажат 5 000 000 ни ташкил этади. Шунини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг оғир даражаларини эрта прогнозлаш орқали даволаниш учун сарф харажатлар битта бемор учун 2 000 000 сўмгача тежаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: MDR1 гени бир нуклеотидли C3435T полиморфизми мустақил равишда Demodex folliculorum канасига мойилликнинг шаклланишида муҳим роль ўйнамаслиги ва ушбу кана билан розацеа ассоциациясининг генетик хавф омили ҳисобланмаслиги исботланган 2024 йил декабр ойдан 2025 йил май ойигача Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали (26.12.2024 52-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали (27.12.2024 36-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали (27.12.2024 100 сонли буйруқ), ҳамда “Natural hair clinic” хусусий клиникасида (28.12.2024 8 сонли буйруқ) амалиётга жорий этиш асос бўлди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: ушбу тадқиқотлар демодекоз билан боғлиқ розацеа билан оғриган беморларни даволашни шахсийлаштиришга ёрдам берадиган терапияни танлашга табақалаштирилган ёндашув учун асос яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: Demodex folliculorum канаси билан зарарланишга мойилликка мустақил таъсир кўрсатмасдан, MDR1 генининг C3435T бир нуклеотидли полиморфизминини ушбу паразит билан боғлиқ розацеа ривожланишининг генетик хавф белгиси сифатида кўриб чиқиш мумкин эмаслиги аниқланган. Бу розацеа кечишини тапхислаш ва башоратлашда клиник амалиётда ушбу полиморфизмга мунтазам генетик тест ўтказиш заруратини истисно қилиш имконини беради, бу эса бир беморни даволашнинг бир курси учун 531 500 бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: розацеа билан оғриган беморларнинг қон зардобидида кателицидин LL-37 нинг миқдори, назорат гуруҳи кўрсаткичларига

нисбатан сезиларли даражада ошиши ($p < 0,001$) ва олинган маълумотлар касалликнинг оғирлик даражаси билан боғлиқ бўлганлиги исботланганлиги 2024 йил декабр ойидан 2025 йил май ойигача Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали (26.12.2024 52-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали (27.12.2024 36-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали (27.12.2024 100 сонли буйруқ), ҳамда “Natural hair clinic” хусусий клиникасида (28.12.2024 8 сонли буйруқ) амалиётга жорий этиш асос бўлди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида розацеа билан оғриган беморларда кателицидин LL-37 миқдорининг ошганлигини, бундан ташқари ушбу антимиқробли пептиднинг касалликнинг папула-пустулёз босқичида энг юқори даражада бўлиши аниқланди, бу касалликни даволаш бўйича тавсиялар ва даволаш усулларига шахсий ёндошувни ишлаб чиқишга асос бўлди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида розацеа ривожланишида кателицидин LL-37 қондаги миқдори ошиши аниқланганлиги даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган ва даволаш тадбирларига шахсий ёндашувни ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади, касалликда яллиғланиш жараёнларини эрта йўқолишига ва даволаш сарф-харажатларини камайтиришга эришилди ва ҳар бир бемор учун 475256 сўмни ташкил этди.

бешинчи илмий янгилик: ўрганилаётган генларнинг полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди, бу анъанавий даволашга қараганда 1,8 баравар кўпроқ клиник соғайиш, клиник ремиссия давомийлигини ошириш ва биокимёвий, морфологик кўрсаткичларини камайтириши исботланганлиги 2024 йил декабр ойидан 2025 йил май ойигача Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиали (26.12.2024 52-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиали (27.12.2024 36-сонли буйруқ), Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилоят филиали (27.12.2024 100 сонли буйруқ), ҳамда “Natural hair clinic” хусусий клиникасида (28.12.2024 8 сонли буйруқ) амалиётга жорий этиш асос бўлди. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида розацеа ривожланишидаги ген полиморфизмларини ҳисобга олган ҳолда касалликнинг патогенетик механизмларида иштирок этувчи иммунологик, биокимёвий ва морфологик кўрсаткичларни коррекция қилишга қаратилган комплекс даволаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари асосида розацеа ривожланиши ва унинг оғир даражаларини олдини олиш, касалликда яллиғланиш жараёнларини эрта бартараф этиш ва хаёт сифатини яхшилаш

мақсадида ишлаб чиқилган даволаш усули натижасида даволаш сарф-харажатларини камайтиришга эришилди ва хар бир бемор учун 897165 сўмни ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан, 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Розацеа касаллигининг эпидемиология, этиология ва патогенези**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида розацеанинг эпидемиологияси, этиологияси ва патогенези ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, касаллик клиник кечиши ва классификацияси ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қондаги биокимёвий кўрсаткичлар, микробиологик, сорфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, ҳамда турли хил генлар ва цитокинларнинг генетик полиморфизми таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Розацеани даволашнинг замонавий методлари изохланиб, мазкур тери касаллигига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.


Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг алгоритми, клиник материалнинг умумий тавсифи, розацеа билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг молекуляр-генетик, биокимёвий ва микробиологик методлари кўрсатилган.

Клиник кузатувлар остига розацеа билан оғриган 20 ёшдан 85 ёшгача бўлган жами 210 нафар бемор олинди. Беморларнинг 167 нафари аёллар (79,5%) ва 43 нафари эркаклар (20,5%) бўлиб, ўртача ёш $46,54 \pm 0,87$ ёшни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Розацеали беморларнинг ёшига бўйича тақсимланиши (%)

Уларнинг 85 нафари стационар шароитда, 125 нафари амбулатор даволанган. 210 та бемордан 92 таси шаҳар (43,8%), 118 (56,2%) таси қишлоқ аҳолиси. Розацеанинг давомийлик муддати беморларнинг 42 (20,0%) нафарида – 3 ойдан 1 йилгача, 140 (66,7%) нафарида – 1 йилдан 5 йилгача, 24 нафар (11,4%) ида – 6 йилдан 10 йилгача ва 4 (1,9%) нафарида 11 йилдан кўп эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Розацеали беморларнинг касаллик давомийлиги бўйича тақсимланиши (%)

IL-17, GSTM1, GSTT1, GSTP1, MDR1 генларининг генетик маркёрларини ўрганиш учун розацеа билан оғриган беморларнинг периферик қон лимфоцитларидан ажратилган ДНКнинг 102 та намунаси ва ўзбек миллатига мансуб бўлган, қариндош бўлмаган шартли соғлом донорларнинг (назорат гуруҳи) периферик қон лимфоцитларидан ажратилган ДНКнинг 95 та намунаси бўйича тадқиқот ўтказилди. Розацеа билан оғриган беморлар ва шартли соғлом донорларнинг периферик қонидан ДНК Маниатис Т. ва бошқалар (1984) қўлланмасида тавсифланган услуб ҳамда ишлаб чиқарувчи

йўриқномасига мувофиқ «РибоСорб» (Амплисенс, Россия) тижорат тўпламидан фойдаланилган ҳолда ажратиб олинди.

Demodex folliculorum розацеа билан оғриган беморлар терисидаги зарарланиш ўчоқларидан микробиологик усул ёрдамида аниқланди.

Антимикроб пептиди кателицидин LL-37 қон зардобидида 78 нафар бемор ва 15 нафар шартли соғлом шахслар гуруҳида иммунофермент таҳлил (ИФА) усули ёрдамида аниқланган. LL-37 САМП таркиби ўрганилди. Тадқиқот Elisa kit тўпламида ўтказилди.

Глутатион-S-трансфераза фаоллиги GSH ва 1-хлор-2,4 динитробензол (ХДНБ) ўртасида глутатион-S-конъюгатлар ҳосил бўлиш тезлиги бўйича аниқланди.

Розацеа билан оғриган беморларда терининг фототиби Т.Фицпатрик (1987) бўйича ўрганилди.

Касалликнинг оғирлик даражаси В.П.Адаскевичнинг (2004) розацеани диагностик баҳолаш шкаласи (РДБШ) ёрдамида аниқланди.


Морфометрик тадқиқот учун даводан олдин ва даволанган гуруҳлардаги розацеа билан оғриган беморларнинг терисидан биопсия олиниб, материаллар микротасвирлар орқали ўрганилди.

Олинган тадқиқот натижалари ўртача арифметик қиймат (M), стандарт квадрат оғиш (σ), стандарт хато (m), нисбий қийматлар (частота, %)ни ҳисобга олган ҳолда амалий статистик таҳлил дастурлари тўпламидан фойдаланилган ҳолда статистик таҳлил қилинди. Ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезони (t) билан аниқланди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Розацеа касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи**» деб номланган учинчи бобида розацеали беморларнинг анамнестик, клиник тавсифлари таҳлил қилинган, шунингдек, шахсий клиник кузатувлар баён этилган.

Таҳлил давомида 94,3% беморларда розацеанинг бошланиши ёки кўзишини келтириб чиқарувчи омиллар аниқланди. Беморларнинг кўпчилиги (63 нафари, 30,0%) ўзларининг касаллигини атроф-муҳитнинг юқори инсоляция ва ҳароратнинг ўзгариши билан, 39 нафари (18,6%) – неврологик касалликлар (стресс, ҳиссий стресс), 27 нафари (12,8%) – ҳайз циклининг бузилиши билан изоҳлади, 17 нафар беморда (8,1%) гормонал ўзгаришлар, 12 нафари (5,7%) касалликни келтириб чиқарадиган ва кўзитадиган бирон-бир омилни кўрсата олмади (3-расм). Розацеанинг бошланиши ва унинг клиник кечиши кўп жиҳатдан ўтказилган касалликлар билан боғлиқдир. Бизнинг кузатувимизда бўлган 172 (81,9%) беморда ўтказилган касалликларни аниқлай олдик, 38 (18,1%) бемор эса аниқланмади. Ўтказилган касалликлар таҳлили натижаси шуни кўрсатдики, 91 (43,3%) нафарида – ошқозон-ичак тракти касалликлари, 51 та ҳолатда (24,3%) гинекологик касалликлар, 19 нафарида (9,0%) – нафас олиш патологияси, 6 нафарида (2,9%) – асаб тизими, 5 нафарида

(2,4%) – юрак-қон томир патологиялари касалликлари аниқланди, 38 нафар бемор эса ўтказилган касалликни кўрсата олмади.



3-расм. Касалликни келтириб чиқувчи ва кўзгатувчи омиллар

Ёндош касалликлардан ошқозон-ичак тракти (38,6%), гинекологик касалликлар (15,2%) қайд этилди, асаб тизими (2,9%), юрак-қон томир тизими касалликлари (5,7%) аниқланди. Сийдик-таносил тизими патологияси ташхиси 210 нафар беморнинг 9 нафарида (4,3%) кузатилди.

1-жадвал

Розацеали беморларни касалликнинг клиник босқичлари бўйича тақсимланиши

Босқичлари	Аёллар		Эркаклар		Жаъми	
	Сони	%	Сони	%	Сони	%
Эритематоз-телеангиэктатик	36	17,1	10	4,8	46	21,9
Папуло-пустулез	88	41,9	18	8,6	106	50,5
Пустулез-тугунли	31	14,8	9	4,3	40	19,1
<i>Розацеанинг бошқа клиник турлари:</i>						
Ринофима	-	-	6	2,8	6	2,8
Стероид	12	5,7	-	-	12	5,7
Жаъми	167	79,5	43	20,5	210	100

Фицпатрик бўйича тери тури ўрганилганда 7 нафар (3,3%) беморда терининг I фототиби, 30 нафарида (14,3%) – II фототиби, 125 нафарида (59,5%) – III фототиби ва 47 нафарида (22,4%) IV тури бўлганлиги аниқланди. Касалликнинг клиник босқичига кўра терининг фототиби таҳлил қилинганда ҳеч қандай фарқ аниқланмади.

Розацеанинг клиник босқичларини ўрганиш учун G.Plewig, T.Jansen, A.Kligman (2000) томонидан тавсия этилган таснифдан фойдаланилди. Ушбу таснифга кўра беморларнинг 46 нафари (21,9%) розацеанинг эритематоз-телеангиэктатик босқичи, 106 нафари (50,5%) папуло-пустулез босқичи, 40

нафари (19,1%) пустулёз-тугунли босқичи, 5 нафари (2,8%) ринофима ва 12 нафари (5,7%) стероид розацеа билан касалланганлиги аниқланди (1-жадвал). Розацеанинг барча клиник босқичларида аёллар устунлик қилишди. Аёллар (17,1%) эркакларга нисбатан (4,8%) эритематоз-телангиэктатик босқич билан 3,6 баравар, папуло-пустулёз босқич билан 4,8 баравар, пустулёз-тугунли босқич билан 3,4 баравар кўпроқ касалланганлиги қайд этилди.

Шундай қилиб, розацеанинг этиологик омиллари орасида инсоляция, ҳароратнинг ўзгариши (30,0%) аниқланди, папуло-пустулёз босқичда бўлган беморларда (50,5%) кўпроқ кузатилди, эркакларнинг 2,8%ида ринофима белгилари ва аёлларда эса 5,7 % да стероид розацеа аниқланди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида 102 нафар бемордаги IL-17 (G197A), GSTT1 (0/0), GSTM1 (0/0) ва GSTP (Ile/Val), MDR1(ABCB1) генлари полиморфизмининг молекуляр-генетик таҳлил натижалари, шунингдек, 78 нафар беморда кателицидин LL-37нинг, ҳамда глутатион -S-трансферазани 91 нафар беморларининг қон зардобиди миқдори баён этилган. Розацеа касаллиги бўлган беморларда морфометрик ўзгаришлар касалликнинг босқичлари кесимида ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Розацеали беморларда IL17A гена G197A полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлар частотасидаги ўзгаришлар шуни кўрсатдики, беморларда салбий А аллели 40,2% частота билан назорат гуруҳига нисбатан 1,7 баравар кўпроқ аниқланди - 27,9% ($\chi^2=6.6$; $p=0.03$), ижобий G аллели эса соғлом шахслар орасида 72,1% частота билан сезиларли даражада устунлик қилди, бу беморлар гуруҳига қараганда 1,7 баравар кўпроқ - 59,8% ($\chi^2=6.6$; $p=0.03$) ни ташкил қилади.

2-жадвал

Розацеа ва назорат гуруҳида IL17A гени G197A полиморфизмини аллел ва генотипларини бўйича учрашини тақсимланиши

N	Гуруҳлар	Аллеллар				Генотиплар					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳ (n=102)	122	59,8	82	40,2	38	37,2	46	45,1	18	17,6
2	1-босқич, (n=26)	32	61,5	20	38,5	10	38,5	12	46,1	4	15,4
3	2-босқич (n=56)	70	62,5	42	37,5	23	41,1	24	42,9	9	16,1
4	3-босқич (n=20)	20	50,0	20	50,0	5	25,0	10	50,0	5	25,0
5	Назорат гуруҳи (n=95)	137	72,1	53	27,9	51	53,7	35	36,8	9	9,5

IL17A генининг G197A полиморфизми аллеллари ва генотиплари частоталарининг тақсимланиши бўйича олинган маълумотларга асосланиб, розацеа ривожланиш хавфи минор А аллелини ташувчиларда ортади (95%СИ:1,14 - 2,65 да ОР=1.7). G аллелининг мавжудлиги, аксинча, розацеа ривожланиш хавфининг пасайиши билан боғлиқ (95%СИ да ОР=0,6: 0,38 - 0,88).

Ўрганилган генлар аллелларининг тарқалиш частотасини ва полиморфизм генотипларини ўрганиш учун, розацеанинг клиник кечишига кўра беморлар учта гуруҳга бўлинди: эритематоз-телеангиэктатик босқичи (А-кичик гуруҳ) 26 та бемор, папуло-пустулёз босқичи (Б-кичик гуруҳ) 56 та бемор ва пустулёз-тугунли босқичи (В-кичик гуруҳ) 20 та бемор ташкил этди.

Генотиплаш натижаларига кўра, розацеанинг 1-босқичи (эритематоз-телеангиэктатик) (38,5%) ва 2-босқичи (папуло-пустулёз) (37,5%) беморларида А нохуш аллел вариантынинг частотаси назорат гуруҳига (27,9%) нисбатан кўпайиш тенденцияси кузатилди. Ушбу аллел ташувчиларда розацеанинг 1 ва 2-босқичлари ривожланиш хавфи 1,6 мартадан кўпроқ ошади ($\chi^2=2.2$; $p=0.2$; $OR=1,6$; $95\%CI:0,85 - 3,06$ ва $\chi^2=3.0$; $p=0.1$; $OR=1,6$; $95\%CI:0,95-2,55$, мос равишда).

Розацеали беморларининг эритематоз-телеангиэктотик ва папуло-пустулёз босқичларида ушбу полиморфизм генотиплари частоталарининг тақсимланишини таҳлил қилганда, назорат гуруҳига (36,8% ва 9,5%) нисбатан мос равишда G/A ва A/A (46,1% ва 15,4%) ва (42,9% ва 16,1%) салбий генотиплари ташувчилари улушининг сезиларсиз ўсиши қайд этилди. Шу билан биргаликда, ушбу кичик гуруҳларда G/A ва A/A генотипларини аниқлаш имкониятлари нисбати $OR=1.3$ ва 1.5 (1-босқич) ва $OR=1.3$ ва 1.5 (2-босқич) ни ташкил этди (2-жадвал).

Яллиғланишга қарши цитокини IL17A (G197A) генининг салбий генотиплари ташувчи ва розацеанинг ривожланиши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик қайд этилган, бу розацеа касаллигининг ривожланиши ва клиник кечишида аутоиммун яллиғланиш (жараён)нинг муҳим аҳамиятини тасдиқлайди.

3-жадвал

Розацеа ва назорат гуруҳида GSTT1 ва GSTM1 ген полиморфизми генотиплар учрашининг тақсимланиши

Локуслар	Аллел ва генотиплар	Генотиплар тақсимланиш частотаси									
		Асосий беморлар гуруҳ (n=102)		1-босқич (n=26)		2-босқич (n=56)		3-босқич (n=20)		Назорат гуруҳи (n=95)	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
GSTT1	Positive (+)	80	78,4	23	88,5	43	76,8	14	70,0	77	81,0
	null (0/0)	22	21,6	3	11,5	13	23,2	6	30,0	18	18,9
GSTM1	Positive (+)	52	51,0	12	46,2	33	58,9	7	35,0	58	61,0
	null (0/0)	50	49,0	14	53,8	23	41,1	13	65,0	37	38,9

Розацеа билан оғриган беморлар гуруҳида ва назорат намунасида GSTM1, GSTT1 генларининг "ноль генотиплари" частоталарини алоҳида ва биргаликда таҳлил қилдик (3-жадвал). Бунга кўра, GSTT1 (21,6%) ва GSTM1 (49,0%) генларининг ноль генотиплари розацеа билан оғриган беморларда ва назорат гуруҳида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланмади (мос равишда

18,9% ва 38,9%).

Кейинги босқичда Pe/Pe, Pe/Val ва Val/Val генотипик вариантларининг учраш частотаси розацеали беморларда ўрганилди. Беморлар гуруҳида мос равишда 59,8%, 32,4% ва 7,8% ни ва назорат гуруҳида эса 64,4%, 29,5% ва 3,2% ни ташкил этди. Кўришиб турибдики, салбий Val/Val генотипи учун OR қиймати >2 (OR =2.6) дан юқори бўлган. Бирок, ушбу минор генотип ташувчисида розацеанинг ривожланиш эҳтимоли 2,5 мартадан кўпроқ бўлишига қарамай, 95% ишонч оралиғига қийматларнинг юқориги чегараси $\chi^2=2.0$ ва $p=0.2$ да <1 (95%СИ: 0,7 - 9,71) дан кам бўлди, яъни фарқ тенденция даражасида бўлди. Бинобарин, GSTP генининг Pe/Val полиморфизмининг Val/Val мутант генотипининг ташувчиси мустақил равишда розацеа ривожланиш хавфини келтириб чиқара олмайди. Ушбу геннинг генотипик вариантларинг касалликнинг босқичларида ўрганилганда 1-босқич учун Pe/Pe- 65,4%, Pe/Val-26,9% ва Val/Val- 7,7% ни , 2-босқич учун 57,1%, 35,7% ва 7,1%, 3-босқич учун 60,0%, 30,0% ва 10,0% ни ташкил этди ва назорат гуруҳидан ва ўзаро фарқ қилмади (4-жадвал).

4-жадвал

Розацеа ва назорат гуруҳида GSTP гени PLE/VAL полиморфизмини аллел ва генотипларини учрашини тақсимланиши

n	Гуруҳлар	Аллеллар				Генотиплар					
		Pe		Val		Pe/Pe		Pe/Val		Val/Val	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳ (n=102)	155	76.0	49	24,0	61	59,8	33	32,3	8	7,8
a	1-босқич (n=26)	41	78,8	11	21,1	17	65,4	7	26,9	2	7,7
б	2-босқич (n=56)	84	75.0	28	25.0	32	57,1	20	35,7	4	7,1
в	3-босқич (n=20)	30	75.0	10	25.0	12	60.0	6	30.0	2	10.0
2	Назорат гуруҳи (n=95)	156	82,1	34	17,9	64	67,4	28	29,5	3	3,2

Кейинги ўринларда розацеа билан оғриган беморлар ва назорат гуруҳларида ABCB1 генининг rs 1045642 локуси бўйича генотипларнинг учраш частоталарини қиёсий таҳлил қилдик. Беморлар ва назорат гуруҳида ёввойи турдаги С аллелининг частотаси мос равишда 43.7% га қарама-қарши равишда 48.0%, салбий Т аллелининг частотаси 56.3% га 52.0% ни ташкил этди. Ушбу геннинг Т аллели розацеа ривожланиш имкониятлари нисбат кўрсаткичи OR =0.8 (95% ИИ:0,56 - 1,25) ни ташкил этди, аҳамиятлилиқ даражаси эса $p=0.8$ ва $\chi^2=0.4$, бу маълумотлар ушбу аллелнинг розацеа ривожланишига мойил таъсири йўқлигини тахмин қилишга имкон беради (5-жадвал). Аммо ABCB1 генининг rs 1045642 полиморфизми мустақил равишда розацеа ривожланишда аҳамиятсиздир.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида розацеали беморларда Demodex folliculorum (D.foll) мавжуд ва мавжуд бўлмаган кичик гуруҳларида ксенобиотиклар биотрансформациясининг II ва III фазалари (GSTT1, GSTM1,

GSTP ва MDRI) генлари полиморфизмини қиёсий таҳлил қилишдан иборат бўлди. Ушбу тадқиқотимиз натижасига кўра розацеали беморларда GSTP1 генининг Val/Val генотибида D.foll канаси мавжуд бўлган беморларнинг кичик гуруҳида унинг мавжуд бўлмаган беморларга нисбатан функционал салбий гаплотип улушининг частотаси ошганлиги аниқланди (9,7 га қарши 3,3%). Имкониятлар нисбатининг юқори кўрсаткичи OR=3.1 ни ҳисобга олган ҳолда, статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар аниқланди ($\chi^2=1.2$; $p=0.3$ ва 95% СИ:0.41 - 24.05) ва ривожланиш хавфи тенденцияларини аниқлашга имкон беради.

5-жадвал


Розацеа ва назорат гуруҳида MDR гени rs1045642 полиморфизмини аллел ва генотипларини учрашини тақсимланиши

n	Гуруҳлар	Аллеллар				Генотиплар					
		C		T		C/C		C/T		T/T	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий беморлар гуруҳ (n=102)	98	48,0	106	52,0	25	24,5	48	47,1	29	28,4
a	1-босқич (n=26)	25	48,1	27	51,9	5	19,2	15	57,7	6	23,1
б	2-босқич (n=56)	57	50,9	55	49,1	17	30,4	23	41,1	16	28,6
в	3-босқич (n=20)	16	40,0	24	60,0	3	15,0	10	50,0	7	35,0
2	Нazorат гуруҳи (n=95)	83	43,7	107	56,3	16	16,8	51	53,7	28	29,5

Демак, хулоса қилиш мумкинки, MDR1 гени C3435T бир нуклеотидли полиморфизми мустақил равишда D.follга мойилликнинг шаклланишида муҳим роль ўйнамайди ва D.foll билан боғлиқ розацеа ривожланишининг генетик хавф омили ҳисобланмайди.

IL17A генининг G-197A полиморфизми генотипларининг D.foll мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлар гуруҳларини таҳлил қилганда, D.foll бўлган беморлар гуруҳида ноқулай A аллели D.foll бўлмаган кичик гуруҳга нисбатан 3,3 баробар кўпроқ учраганлиги қайд этилди. (47.9% қарши 21.7%, мос равишда; $\chi^2=12.1$; $p=0.01$). D.foll мавжуд бўлган беморларда ушбу генотипни аниқлашнинг нисбати 3.3 марттани ташкил этади (OR=3.3; $\chi^2=12.1$; $p=0.01$; 95% CI: 1,69 - 6,54).


Кейинги ўринларда 78 нафар розацеали беморнинг қон зардобиди каталицидин LL-37 касалликнинг клиник кўриниши, кечиши ва давомийлигига қараб иммунофермент таҳлили ёрдамида ўргандик. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, розацеанинг умумий гуруҳидаги беморларнинг қон зардобиди ($7,23 \pm 0,23$ нг/мл) назорат гуруҳи кўрсаткичларига ($1,34 \pm 0,14$ нг/мл, $p < 0,001$) нисбатан каталицидин LL-37 миқдори сезиларли даражада ошиши кузатилди. Касалликнинг клиник кечишида эса энг юқори кўрсаткич папуло-пустулёз ($7,84 \pm 0,41$) босқичда ва давомийлиги бўйича 1 йилан 5 йилгача бўлган беморларда аниқланди (4,5-расм).



4-расм. Розацеали беморларда кателицидин LL-37 нинг давомийлиги бўйича тахлили

Шунингдек *Demodex folliculorum* мусбат ва манфий беморларда кателицидин LL-37 қон зардобидаги миқдори тахлил қилинганда, контрол гуруҳга нисбатан юқорилиги аниқланди (7,48±0,28 га 1,34±0,14).

Глутатион S-трансфераза (GST) нинг қон зардобидаги кўрсаткичи 91 та беморда ўрганилди ва ўртача кўрсаткич 17,05 ± 0,56* мкат/мл (назорат гуруҳга нисбатан 54,28 ± 1,11 мкат/мл) ни ташкил қилди. Касалликнинг эритематоз-телеангиэктатик босқичдаги GST ўртача кўрсаткичи 21,25±0,72 мкат/мл (p<0,001), папуло-пустулёз босқичдаги беморларда - 17,93±0,69 мкат/мл (p<0,001) ва пустулёз-тугунли босқичдаги беморларда - 11,96±0,77 мкат/мл (p<0,001) ни кўрсатди. Розацеанинг давомийлиги бўйича энг кам кўрсаткич 6 йидан 10 йилгача бўлган беморларда аниқланди (5-расм).



5-расм. Розацеали беморларда касаллик босқичлари бўйича Кателицидин LL-37 ва GST нинг қон зардобидаги миқдори

Морфологик текширувга олинган тери биоптатада касалликнинг хар бир босқичи учун хос ўзгаришлар аниқланди. Биринчи босқичда (эритематоз-телеангиэктотик) эпидермисда ўзига хос ўзгаришлар яни, кучсиз лимфотцитар инфильтрация ва шиш аниқланади, дерманинг юқори қатламларида капиллярлар ва венулаларнинг кенгайиши қайд этилади. Папуло-пустулёз босқичда эса дерманинг юқори қатламларида нейтрофиллар, плазматик хужайралар ва баъзан эозинофиллар мавжудлиги билан тавсифланади.

Дерманинг сурғичсимон ва ретикуляр қаватларида майда томирлар атрофида гиперплазияланган лимфоцитлар тўпланиш ўчоқлари (SALT) аниқланади. Ушбу босқичнинг энг характерли белгиси қуёш эластози бўлиб, у кўпинча ультрабинафша нурланишдан кейин, шунингдек, эркин радикалларнинг тери ҳужайраларига таъсиридан сўнг пайдо бўлади. Пустулёз-тугунли босқичда улкан ҳужайралар - макрофаглар, лимфоцитлар ва плазмоцитларнинг инфльтрация аниқланади. Лимфоцитар инфльтрация ўчоқларида плазмоцитлар ва гигант макрофаглар миқдорининг ортиши *Demodex folliculorum* инфекциясига боғлиқ равишда ўзгариши кузатилади. Олинган биоматериалда микротасвирлар орқали розацеали беморларда морфометрик ўзгаришлар яни теридаги нейтрофиллар миқдори ҳам ўрганилиб, бунга кўра назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич ташкил этса розацеали беморларда кўрсатди. Касалликнинг клиник босқичларида ушбу кўрсаткич мос равишда ўзгаргани қайт этилди.

Шундай қилиб, розацеада кателицидин - LL-37 миқдори назорат гуруҳига нисбатан статистик даражада ошиши кузатилди ва бунга карама-карши нисбатда Глутатион S-трансфераза (GST) ишлаб чиқарилишининг камайиши кузатилди, ва иккала тизимда кўрсаткичлар касалликнинг босқичлари, давомийлиги ҳамда *D.foll* мавжуд ва аниқланмаган беморлар орасида таққосланганда фарқланишлар аниқланди.

Диссертациянинг «**Биокимёвий ва клиник-генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда розацеани даволаш усулини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида розацеа билан касалланган беморларни даволаш натижалари батафсил баён этилган.

Ушбу бобда тадқиқот натижаларига кўра розацеа билан оғриган беморларда даволашнинг янги усули самарадорлиги ўрганилган. Белгиланган даволаш турига кўра барча 210 нафар беморлар (ёши, жинси, касалликнинг оғирлик даражаси) бир хил бўлган икки гуруҳга бўлинди. Беморларнинг биринчи гуруҳи дерматовенерология бўйича текширув ва даволаш стандартларига (2021) мувофиқ 102 нафар бемор даволанди. Иккинчи гуруҳдаги беморлар (108 нафар) стандарт терапия фонида глуторедокс таблеткасини (250 мг) ва ташқи томондан - Candela Corporation томонидан ишлаб чиқарилган суюқ бўёқли 595 нмли импульсли лазер (Vbeam Perfecta) қабул қилишди.

Келтирилган жадвалга кўра биз ишлаб чиққан усул бўйича даволаш патоморфологик элементларининг тез сурилиши ва уларни эртароқ бартараф этишга олиб келди (6-жадвал). Биринчи гуруҳда беморларнинг 12,9% да, иккинчи гуруҳда эса 23,3% да клиник соғайиш кузатилди ва бу кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилди ($p < 0,05$). Биринчи гуруҳда сезиларли яхшиланиш – 20,0%, иккинчи гуруҳда – 22,9% қайд этилди ва бу маълумотлар статистик жиҳатдан бир-биридан фарқ қилмади ($p > 0,05$).

Биринчи гуруҳда 15,7%, иккинчи гуруҳда 5,2% беморларда яхшиланиш кузатилди ($p < 0,01$). Иккала гуруҳда ҳам касалликнинг кучайиши кузатилмади.

**Даволанишдан кейин гуруҳлар ўртасида
клиник самарадорликни таққослаш**

Гуруҳларнинг тақсимланиши	Юздаги шиш	Папулалар, пустулалар ва тугунларнинг сўрилиши бошланади	Телеанги-эктазия	Папулалар, пустулалар ва тугунларнинг йўқолиши
Биринчи гуруҳ	7–8-кун	14–16-кун	Сақланиб қолди	25–26-кун
Иккинчи гуруҳ	5–6-кун	10–12-кун	Камайди	20–21-кун

Олинган маълумотларнинг объективлигини баҳолаш учун даволашдан сўнг ҳар бир гуруҳда розацеани диагностик баҳолаш шкаласидан (РДБШ)дан фойдаланилди. Ушбу шкалага мувофиқ, беморларнинг биринчи гуруҳида, даволанишдан олдинги РДБШ кўрсаткичи $9,9 \pm 0,58$ баллга тенг бўлса, даволашдан сўнг 1,9 марта пасайиб, $5,1 \pm 0,32$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$). Беморларнинг иккинчи гуруҳида РДБШ кўрсаткичи $10,2 \pm 0,41$ баллдан (даволанишдан олдин) $2,1 \pm 0,27$ гача (даволанишдан кейин), яъни 4,8 баравар камайди ($p < 0,001$).

